

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

6 “ апрель ” 2018 й. г. № 269

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Вазирлар Маҳкамасининг “Битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 февралдаги 106-сон қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолияти самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 23 июндаги Ф–4977-сон фармойиши ва Вазирлар Маҳкамасининг “Коммунал хизматларнинг ягона биллинг тизимини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 14 сентябрдаги 726-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 февралдаги 106-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 2-сон, 20-модда) иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил “ 6 ” апрелдаги 269 -сон қарорига  
илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 февралдаги 106-сон қарорига киритилаётган қўшимчалар**

Вазирлар Маҳкамасининг “Битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 февралдаги 106-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 2-сон, 20-модда):

а) 3-банд куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда, Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида (Тошкент шаҳри бундан мустасно) идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизими орқали қарздорликни аниқлаш электр ва газ таъминоти бўйича 2019 йил 1 январдан, иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш хизматлари бўйича 2021 йил 1 январдан бошлаб амалга оширилади”;

б) 4-банд куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси ва республика вилоятларида – идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизими орқали қарздорлик ҳақидаги маълумотлар электр ва газ таъминоти бўйича 2019 йил 1 январдан, иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш хизматлари бўйича 2021 йил 1 январдан бошлаб юборилиши таъминлансин”.